



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "25" mart

Қ-200 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани "Минор" массиви
"Зартепа" маҳалласи ҳудудидан "UZUMZOR
ZARTEPA BOG'LARI" МЧЖга узумчилик
ташқил этиш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 22 февралдаги 05-02/122-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 30 январдаги 01-05/36-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани "Минор" массиви "Зартепа" маҳалласи ҳудудидан "UZUMZOR ZARTEPA BOG'LARI" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 149, 150, 151, ва 114қ-дала контурларидаги жами 35,0 гектар, шундан 48 балл бонитетли 1,85 гектар суғориладиган экин ер, 32,2 гектар яйлов, 0,3 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,65 гектар йўллардан иборат ер майдонлари узумчилик ташқил этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов